

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И

Косон тумани

2023 йил 30 ноябрь

Косон туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.А.Усманов раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Тилавованинг котиблигида, аризачи *****нинг, қарздор ***** фермер хўжалигини соддалаштирилган тартибда туловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризани, даъвогар вакили О.Анваров (ишончнома асосида) ҳамда жавобгар вакили ***** (шахсий маълумотнома асосида) иштирокида, Косон туманлараро иқтисодий суди биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида иш ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Аризачи ***** (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Косон туманлараро иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздор Косон туманидаги ***** фермер хўжалиги (бундан буён матнда қарздор деб юритилади)ни соддалаштирилган тартибда туловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суднинг 2023 йил 3 ноябрдаги ажрими билан ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Мажбурий ижро бюроси Косон туман бўлими жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили аризада келтирилган важларни қувватлаб, қарздорнинг ҳисоб рақамига солиқ хизмати ва ижро орган томонидан қарздорлик юзасидан инкассо топшириқномаси қўйилганлигини, тўлов учун маблағ бўлмаганлиги сабабли муддати тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари (2-картотека) ҳисобварағига жойлаштирилганлигини, мазкур қарздорликни ундириш тўғрисида ҳаракатлари олиб борилганлигини, бироқ жавобгар томонидан бугунги кунга қадар қарздорлик тўлиқ қопланганлиги боис аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили ўз тушунтиришида, ҳисоб рақамига солиқ хизмати ва ижро орган томонидан қарздорлик юзасидан инкассо топшириқномаси қўйилганлигини, бироқ мазкур ер майдони 2021 йил 25 февралда туман ҳокимининг қарорига асосан туман захира ер фондига қайтарилганлиги, мазкур қарорни солиқ органига ёки бошқа бир органга тақдим қилмаганлиги, ҳозирги кунда фермер хўжалигининг муҳр ва штампи ўзида сақланаётганлигини маълум қилиб ишни қонуний кўриб чиқишни сўради.

Суд аризачи ҳамда жавобгар вакилининг тушунтиришини тинглаб, ундаги важларни ҳамда ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра, аризачининг ариза талабини қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, қарздор 2015 йил 25 декабрда давлат рўйхатига олинган.



Қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмас, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги жами қарзи 2023 йил 16 октябрь ҳолатида 73.703.101,94 сўмни ташкил этган, аризачи томонидан қарздорнинг ҳисоб рақамига қўйилган инкасса топшириқномалари асосида 73.703.101,94 сўмга картотека (К-2) мавжуд ва қарздор ушбу қарзларни тўлаш имконига эга эмас.

***** томонидан қарздорнинг ҳисоб рақамига қарздорликни ундириш юзасидан инкассо талабномаси қўйилган, бироқ қарздорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги сабабли бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Косон туман бўлимининг қарорларига асосан, ижро ҳаракатлари жараёнида қарздорнинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари бўлмаганлиги сабабли ижро иши юритилиши тамомланган.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг (бундан буён матнда - Қонун деб юритилади) 5-моддасига мувофиқ, вақтинча тўловга қобилиятсизлик – агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги; доимий тўловга қобилиятсизлик – агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса тўловга қобилиятсизлик аломатлари ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 5-моддасига кўра, ушбу бажарилмаган мажбурият 3 ойдан ортиқ муддатни ташкил этган.

Қонуннинг 241-моддасига кўра, ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъий назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Қонуннинг 242-моддасига кўра, суд ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон суд бошқарувчилар уюшмаси ассоциацияси” профессионал жамоат бирлашмаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлимининг 9.11.2023 йилдаги хатига кўра, қарздорнинг тугатиш ишларини олиб бориш учун суд тугатиш бошқарувчиси Зиёмов Лазиз Зимовичнинг номзоди тавсия қилинган.

Қайд этилганларга асосан ҳамда қарздор пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни уч ой ва ундан кўп муддатда бажаришга қодир эмаслигини инобатга олиб, суд аризачининг талабини қаноатлантириб қарздорни



банкрот деб топишни ва суд харажатларини қарздор зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуннинг 5, 45, 52, 140, 142, 241-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 36, 118, 176-179, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Аризачи *****нинг аризаси қаноатлантирилсин.

Қарздор ***** фермер хўжалигини туловга қобилиятсиз деб топилсин ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Қарздор ***** фермер хўжалигини тугатиш бошқарувчи этиб Зиёмов Лазиз Зиёмоавич тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчиси Л.Зиёминов зиммасига қарздор тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақида расмий нашрда эълон бериш, тугатишга доир иш юритишни “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун асосида ташкил этиш ва ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2013 йилдаги 224-сонли “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги”ги Қарорига асосан сохта тўловга қобилиятсиз, тўловга қобилиятсизликни яшириш ёки қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлаш ва хулосани Косон туманлараро иқтисодий судига тақдим этиш, тугатиш жараёнида қарздор корхонанинг мол-мулки йўқлиги ҳақидаги маълумотларни тўлиқ олиш ва қилинган ишлар ҳақида ҳар ойда 1 (бир) марта Косон туманлараро иқтисодий судига ёзма оралиқ ҳисобот тақдим этиб бориш ҳамда тугатиш ишларини 2024 йил 29 февралга қадар якунлаш вазифаси юклатилсин.

Қарздор ***** фермер хўжалигидан Республика бюджетига 990.000 сўм давлат божи ҳамда ***** фойдасига 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тарафлар бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериш (прокурор протест келтириш)га ҳақли.

Судья

А.А.Усманов

